

**СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК  
ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ  
ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА  
ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ**

1967 йил 20 июнда КПСС Марказий Комитетининг Пленуми очилди.  
Пленум кун тартиби:  
1. Исроилнинг агрессияси муносабати билан Яқин Шарқдаги аҳвол тўғрисида.  
2. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги тезислари тўғрисида.  
Кун тартибидagi биринчи масала юзасидан Пленум КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВнинг «Исроилнинг агрессияси муносабати билан Яқин Шарқдаги аҳвол тўғрисидаги докладни тинглади.  
Музокараларда Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. Е. ШЕЛЕСТ, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. КУНАЕВ, ВЦСПС раиси В. В. ГРИШИН, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Н. Г. ЕГОРИЧЕВ, Донецк областадаги Киров номи Макеевка металлургия заводининг пўлат қуувчиси В. В. ХОЛЯВКО, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари В. С. ТОЛСТИКОВ, СССР Фанлар Академиясининг президенти М. В. КЕЛДИШ ўртоқлар сўзладилар.  
КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттирмакда.

**ТОШКЕНТ**  
**ОҚШОМИ**

2-йил чиқиши.  
21 июнь 1967 й.  
ЧОРШАНБА  
№143 (298)  
БАҲОСИ 2 ТИЯНН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

**Бугунги  
янгиликлар**

♦ ХАМЗА НОМИ  
ЛЕНИН ОРДЕНИ ўЗБЕК  
ДАВЛАТ АКАДЕМИК  
ДРАМА ТЕАТРИНИНГ  
КОЛЛЕКТИВИ КАТТА  
САФАРГА ЧИҚДИ. Театр коллективи Россия Федерацияси бўйлаб 50 кун томошалар кўрсатади.  
Театрнинг бош режиссёри, Ўзбекистон ССР халқ артисти, Абдулла Тўдai мукофотининг лауреати Тошхўжа Хўнаев мухбиринизга бундай деди:  
— Бизнинг бу гастролимиз 24 июнь куни Қозон шаҳрида Фахри аскар Камол номи Ленин орденли Академик драма театри билан драматург Абдулла Қаҳҳорнинг «Ажонглирим» спектаклини кўрсатиш билан бошланади. Тошхўжа театрнинг репертуари «Қотил», «Парвона», «Ғирланган умр», «Қонли саҳро», «Улимдан кучли», «Сўнги кўрбон», «Ой тугилган тунда», «Сарви қомат дилбарим» каби саҳна асарларини кўрсатишга муваффақ бўлди.  
Биз, санъаткорлар бундан ташқари Бошқирдистоннинг Уфа шаҳрида ҳам бир неча спектакллар кўрсатамиз. Шундан кейин Ватанимизнинг пойтахти Москвага бора оламиз. Пойтахтдаги Кремль театри билан ҳам бир неча спектакллар кўрсатамиз. Шундан кейинки гастролларимизда ҳам бўла оламиз. Ўша кунларда Москвада Ўзбекистон адабиёти ва санъати халқ алоқиси ўтказилади. Бу ҳафталикда республикамиздаги барча санъат коллективлари билан биргаликда биз ҳам қатнашимиздан ниҳоят хурсандимиз. Чунки, бу ҳафталик Улуғ Октябрь революциясининг 50 йиллик юбилейига бағишланган.

**НАТИЖАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ**

Фрунзе район халқ контрол комитетининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда комитетнинг штатсиз инспектори Е. Қаримқулов Абразив комбинатида электр қувватидан фойдаланишнинг аҳоли ва бу соҳада йўл қўйилган намуналар тўғрисида гапириб берди.  
Кун тартибидagi иккинчи масала юзасидан сўзга чиққан штатсиз инспектор И. Пролевков «Горгаз» трестда меҳнатчиларнинг шикоятларини ва тақлифларини кўриб чиқишнинг аҳоли тўғрисида гапириб, рўй бераётган хатоларни кўрсатиб берувчи фактларни келтирди.  
Мажлис чинини кваталар учун иш ланини тасдиқлади ва янги инспекторларни тайинлади.



Тоғарь Раҳмат Мажилов 17 йилдан бунён Экскаватор ремоти заводининг йиғув механника цехида ишлабди. У фақат илгор ичилигини эмас, балки маҳаллий комитет хизматчиси ҳамдир. Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига бошланган социялистик муносабага қўшилган коммунистик меҳнат зарбдори. Р. Мажилов ҳам йиллик топширинини 9 ойда бажариш учун курашаётир.

**ТЕЗКОРЛАР**

Тошкент уюсланич ком. бригадининг кўрувчи ва монтажчилари республикамиз пойтахтидаги Виновольцний масданида уй-йой биноларини тезкорли усулида барпо этишляпти.  
Янгида Черданцев кваталарида улар ҳар бир кватални ўнги баҳо билан фойдаланишга топширишди. Тошкент уюслари ҳозирги вақтда янги бир неча уй-йой биноларини монтаж қилишляпти.

Анатолий Михайлов бригадаси 150 кваталари уй-йой биносини куряпти. Бу бино пойдеворида 29 март кунин дастлабки гшиш қўйилган эди. Бугун эса бино пардозловчиларга топширилди.

Ғабдулла Фахатов, Гейманай Кашир каби монтажчилар, кўрувчи, лардан Александр Мунин ва бошчалар унумли меҳнат қилишляпти.

Кўришиш ишларига 12 йиллик тажрибага эга булган прораб Юрий Александрович Данилов раҳбарлиги қилляпти. Уртоқ Данилов Тошкентнинг йиғина районларида уй-йойлар ва сабот норхоналарининг кўрилишида бевосита иштирок этиди.

Яқиндагина Черданцев кўчасида сурхондарликлар уй қураётган майдонлар бўш эди. Улар билан ёнма-ён самарқандликлар иш бошлаб юборди. Сўнгра, Тошкент бинокорлари уларнинг ўнг томонидан бир неча уйга пойдевор эткизди.  
Ҳозир бу қурилиш майдонини таниш қилиди. Бир неча янги уйларда хонадошлар истижомат қилишляпти. Яна ўнга уй қуришга гайер турибди. Бир неча уе эса янгидан кад кўтарляпти.

Ўзбекистоннинг жанубий областадан келган бинокорлар ҳозир бу ерда пардозлаш ишларини тамомлашляпти. Орадан кўп ўтмай 70 оила ёрув, яхши, чиройли ва барча қулайликлар билан таъминланган бинога кўчиб чиқлади.  
Кичкина бино ёнида Сурхон — Шеробод қўллариининг қўриқ ерларида тез-тез учраб турадиган вагончани кўриш мумкин. Бу вагонда Сурхондаре кўрувчиларининг штаби жойлашган. Штаб бошлиғи прораб Иосиф Матвеевич Вилер ҳамиша бу ерда ўзининг чертёкларни ва бошқа хўжюатлари билан банд бўлади. Қурилатган бинолар биринчи марта шу ерда қорғоз устига туширилди.

Иосиф Матвеевич бизга кенг қўламади ишлар ҳақида гапириб берди. Анча иш қилинди, Сурхондаре бинокорлари қуриляптиган уйга 500 кубометр бетон қуриляпти, 800 кубометр йиғма темир-бетон, 650 мишгоша зинди, 45 тонна арматура, 800 кубометр қоричма ишляпти. Бу улар томондан бажариш ишининг бир қисми, холос. Бу ерда 11-кўрилиш трестининг бинокорлари С. Шамсуддинов, В. Митин, Т. Жўраев, М. Тулпин, Ю. Абдулгузин яхши шўхлар қозонди. Уларнинг ҳаммаси Николай Қозонич Марин бошчилик қилаётган комплекс бригадала ишлашляпти. 141-Термиз автобасининг И. Красюк, А. Фукс, А. Филиппов сингари кўпгина шофёрлари ҳам намунали ишляпляпти.

Қоричма юкланган автомашиналар биринкетини майдонга мелади. Иосиф Матвеевич йўл-йўлакка уларга топширини беради. «Гавташкентстрой» 30-кўрилиш участкаси ва 2-отделстрой сувоқчилари билан бўёқчилар ҳам қўлини-қўлга бериб ишляпляпти. Учинчи пойдевор. Қоричма солинган тоғора ёнида олти кублик қоричма насос ишляпляпти. Бу насосдан иккинчи қаватда катта резина шланг тортиладган. У қоричманни ишчиларга етказиб беради. Бир қиз насоснинг ишини юзатиб, иккинчи қаватда ишляётган касбдошларига қарайди. Уларнинг имо-шиораси билан ишни бажаради.

Бу ерда Павлос Константинис бошлик бригада сувоқчилари ишляпляпти. Бригадир ўз ишини яхши билади. 1-пойдеворда эса учта бригада ишляпляпти. Бригадининг номсомол ешлари ишла гапрат кўрсатишляпти. Улар яқинда Бревалади 15-хўнар-техника билим юртини битириб келишган. Сурхондареликлар 70 кваталари беш қаватли бинони битказиб, рапорт берадиган кунлари яқин. Сурхондареликлар билан бошқа областлар ва пойтахт бинокорлари қураётган уйлар ишчилар биродарлигини намоий қилляпти.

П. КОМИРЕНКО

**ҚҶРИҚ ЕРДА  
ЯНГИ ШИФОХОНАЛАР**

ГУЛИСТОН, (ЎзТАГ). «Махтала» совхозида эллик ўринли касалхона қуриб битказилди. Касалхона — қўриқ ерда юбилей йилида барпо этилган бирдан бир шифохона эмас... «Гулистон» совхозининг меҳнатчилари бу йил баҳорда икки қаватли поликлиникага эга бўлдилар. Гулистонда эса янги тўғриқхона пайдо бўлди.  
Ҳозир Сирдарё посёлкесинида район касалхонасини, шунингдек Бахт посёлкесинида янги дорихонани фойдаланишга топшириш учун тайёргарлик қилинляпти. Жиззаҳда касалхона шаҳарчаси қуриля бошляпти.

**ХОРАЗМ ҚИШЛОҚЛАРИДА  
ВОДОПРОВОД**

УРҒАНЧ, (ЎзТАГ). Хоразм областада дастлабки еттига қишлоқ водопроводи қуриля бошляпти. Бу водопроводнинг умумий узунлиги 40 километрга етиб қолади. Траншеяларга полиэтилен қувурлар этикизилляпти. Артезиан кудуклари сув билан таъминлаш манбаи бўлиб хизмат қилади.  
Колхозларда водопроводни яёлов-мелиорация трестининг механизациялашган колонияси қурмоқда.

**ШАҲАР ҚУРИШ УЧУН ҚИЗИЛ-  
ҚУМГА ЖЎНАБ КЕТИШДИ**

САМАРҚАНД, (ЎзТАГ). Самарқанд областининг комсомоллари Ўзбекистоннинг зарбдор турилишларига юбориш учун бир неча отряд тўзмоқдалар. «Самарқанд» деб ном олган ана шундай отрядлардан биринчиси Қизилқумда Барпо этилётган Зарафшон шаҳрига жўнаб кетди.  
Каттакўргонда мамлакатнинг энг йирик олтин конларида ишляши истаган 120 азаматни самий узетиб қолиш меросими бўлди.

**РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ**



Ўзбек индустрияларининг шаҳри — Навоий. СУРАТДА: Ленин номи проспектида. В. Лейзервич фотоси, (ЎзТАГ).

**АНДИЖОН СУТИ**

АНДИЖОН, (ЎзТАГ). Андижон областадаги колхоз ва совхозлар давлатга 21 мишг тонна сут сотиб, ярим йиллик панини бажардилар. Утган йилнинг шу давридаги нисбатан 2 мишг тонна кўп сут сотилди. Қўриқ ердаги Задарё, Москва, Ленин районлари ва бошқа районларнинг ҳўжаликларидан павидан ташқари кўп мишдорда сут етказиб берилди.


**ҚОРАДАРё СОҶИЛИДА ЗАВОД**

АНДИЖОН, (ЎзТАГ). Қорадарё соҳилида бетон заводи қурилади. Заов «Андижондистрия» трестининг 3-кўриш-монтаж бошқармасига материаллар етказиб беради. Бу бошқарма эса, Норин дарёсининг сувини Мэркзайи Фарғана каналига оқизиш учун Чинобод джюери қурмоқда.  
Қорадарё соҳилидаги завод ҳар кунини 150 тонна бетон ишлаб чиқариш қувватига эгадир.

**ЁШ  
КЕМАСОЗЛАР**

Ўзбекистон ёш техникларининг нарийлиқ станцияси шу кунларда бошлар билан таъжум.  
Аниқса кемасозлик модель лабо. раториясида иш қилини. Бир ойдан кейин Наманган шаҳрида немис моделчиларининг 15 республика мусобасеси бўлади. Ана шу мусобасида яхши натижаларни қўлга киритиш учун ингиз тавёргарлик қуриляпти.

Валерий Амйров «Академик Курча-тов» номи теплоход моделини ясади. Юра Гриничин эса теозор кема моделини ясади. Абдухамид Юсуфовнинг ясаган кемаси юк ташийди. лага кемадир.  
Умуман болаларининг ҳар бири мусобасида яхши ўрнини эгаллаш қўлида тиймай ишляпти.



Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи ишлаб чиқарган махсулотга фақат Иттифоқимиздагина эмас балки чет элларда ҳам талаб катта.  
Суратда: завод йиғув цехининг инженери Зафар Иноятов. У тайёр машиналарни буюртмачиларга жўнатишга ҳозирлашдан олдин яна бир бор унинг сифатини кўздан кечиришляпти.  
И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

**БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ ФАВҚУЛОДДА СЕССИЯСИДА**

Ранс жаноблари, Жаноб делегатлар, Жаҳондаги деярли барча давлатларнинг вакиллари кейинги кунларда Яқин Шарқда вужудга келган ва ҳамма жойда катта ташвиш тудираётган жиддий ва хатарли аҳволни қараб чиқмон учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг фавқулодда махус сессиясига гўпланишди.  
Тўғри, ҳозирги пайтда у ерда уруш ҳаракатлари олиб бориляпти. Ўт очин тўхтатыланган тинчликсевар кучларнинг муайин муваффақиятидир. Хавфсизлик Кенгаши БМТ Уставига мувофиқ ўз бурчини охиригача бажара олмаган бўлса-да, бу соҳада унинг ҳам хизмати катта. Агрессия давом этмоқда. Исроилнинг куюрлик кучлари Бирлашган Араб Республикаси, Сурия, Йордания ерларини окупация қилиб турибляпти. Исроил қўшинлари босиб олган территорияларни ишғол қилиб тураверар экан, агрессия оқибатларини тугатиш соҳасида шонли иш қилишга кўришмас экан. Харбий жонон ҳар бир дақиқада янги куч билан бошланган кетилиш мумкин.  
Шу сабабли Совет Иттифоқи гашаббус кўрсатиб, Бош Ассамблеянинг фавқулодда сессиясини чақиришни тақлиф этди. Кўп давлатлар бизнинг тақлифларини қўллаб-қувватлаганликларини намуналар билан қайд қилляпти. Улар вазиетга таҳдид қилаётган хавфларни тўхтатиш, тинчликни мустаҳкамлаш тўғрисида рахшўрлик қилдилар.  
Бош Ассамблея олдида Яқин Шарқда тинчликни тиклаш йўлини очиб берадиган қарорлар қабул қилиш каби масъулиятли вазиер турибди. Бу вазиер социял ва сиёсий системаларнинг, фалсафалар қарашиларининг турлича бўлишига

**СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ БОШЛИГИ,  
СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ  
А. Н. КОСИГИН нутқи**

Ҳозирги пайтда барча халқларни қандай масала кўпроқ гўлданидирмоқда? Ана шу ҳалокатининг қандай қилиб олдини олиш керак, деган масала халқларни кўпроқ гўлданидирмоқда. деган фикрга Бош Ассамблеянинг ҳамма қарашчилари қўшилдилар, деб ўйлаймиз.  
Вирон халқ ҳам урушчи истамайди. Янги жаҳон уруши бошланган кетган тадбирда муқаррар ядро уруши бўламагага ҳозир ҳақим шубҳа қилмайди. Бу урушнинг оқибатлари жаҳондаги кўп мамлакатлар ва халқлар учун ҳалокатли бўлув эди. Турли мамлакатларнинг энг заковатли давлат арбоблари, атоқли мутафаккирлар ва олимлар ядро қурולי пайдо бўлган биринчи кунданю шу тўғрида огоҳлантирган эдилар.  
Ядро аси уруш ва тинчлик масалаларида янги реал вазиятни

вужудга келтирди, ядро аси давлатлар зиммасига аяа шу масала-ларга тааллуқли бўлган ҳамма ишларда бениҳоят катта жавобгарлик юкляди. Сиёсий арбобларнинг бирортаси ҳам, харбийларнинг бирортаси ҳам башарти ҳўшёрлик билан фикр юритиш қобилиятдан маҳрум бўлиб қолмаган бўлса, бу тўғрида бахслашиб ўтириши мумкин эмас, хусусан харбийлар ядро уруши оқибатларини бошқа қишларга нисбатан яхшироқ тасаввур этганликлари учун ҳам бу гўғрида бахслашиш мумкин эмас.  
Аммо халқаро муносабатлар практикасида муайян давлатларнинг масалага тамомилда бошқача ёндашётганликларини исбот этишчи фактлар жуда кўп. Мустақил мамлакатлар ва халқларнинг ички ишларига аралашини, социал тузумга ёт бўлган қарашлар ва сиёсий концепцияларни уларга маъ-

бураб қабул қилдириш қўлидаги уришчилар гўхтамаётир. Буларнинг ҳаммаси харбий блокларни кучайтириш учун қилинляпти. Агрессиянинг таъич нуқталари бўлган ва жаҳоннинг ҳамма қисмида вужудга келтиряган харбий базалар системасини янгилашмоқда ва тақомиллаштирилмоқда. Харбий флотлар ўз соҳилларидан неча-неча мишг километр наридан сузаб юрибди ва бутун-бутун районлардаги давлатларнинг хавфсизлигига таҳдид қилляпти. Бу рап нисбатан унчалик катта бўлмаган давлатлар ўртасидаги жоқаролар сабабли кескинлик кучайган ёни уруш хавфи манбалари пайдо бўлган ҳолларда ҳам қўлига бу жоқароларда Яқин Давлатларнинг қўли бўлади. Бу нарся йирикроқ империалистик давлатлар паноҳида туриб Исроил агрессия қилган Яқин Шарқдагина тааллуқли бўлмаслиги шу билан бирга ер кўрсатилинган бошқа районларига ҳам тааллуқлидир.  
Мана, уч йилга яқиндирки, Америка Қўшма Штатлари ҳў қандай ниёбони олиб ташлади, Вьет-

(Давоми 2-бетда).



Эзда қандай қилиб яхши дам олаб бўлади? Кўпгина болалар саргушларга бой лагерь ҳаётини озу қилишди...

Яхши ҳордиқ чинаришида уйқунинг ҳам роли катта. Уйқу минга ва бутун организмга жуда яхши дам берилади...

Овқатланганидан олдин қўлни албатта совиплаб ювиш лозим. Бағи каникул даврида чиниқтириш усулларидан тўла фойдаланиш керак...



Пойтахтимизнинг сивер ва хиёбонларида сотилаётган учар пуфаклар кўнвоқ ёшларни ўзига мадун этмоқда.

Пилонер ёзи кўнвоқ ўтмоқда. Республикамизнинг неча минглаб мактаб ўқувчилари ўз селоматликларини мустаҳкамлаш учун...

Вестник пилонер лагерининг очилиши тантанали вазиятда ўтди. Дам олувчилар парадга саф тортишди.

Хушхабо бу даргоҳга кибри борар эканми, ҳақиқатдан ҳам бу санаторияга ўзига мана нанд исм берилган...

Сабр таги олтин дейдилар, ука, бу даридармонларнинг рекация учун яна 3-4 кунлардан сўнг сезилган. Касал миҳ эмаски...



ЖАҲОННОМА

ТАСС ТЕЛЕТАИП ЛЕНТАСИДАН

Дўстлик эстафетаси. БАРИШАВА. Филляндия тинчлик тарафдорлари томонидан уюштирилган...

Б ИЗ қабулхонага кирганимизда ҳушдан кетган 10-11 ойлик ёш болани кўрдик. Ҳаярат 39,4 лаблари кўриган, кўзалари ичкига тушган...

БОЛАЛАРНИ ЁЗГИ КАСАЛЛИКДАН САҚЛАЙЛИК

Булганидай, унинг киши организмга таъсири ҳам бўлади. Масалан, баҳор кун ойларида об-ҳавонинг тез-тез ўзгариши тўғрисида шикоятлар кўп...

Қўрак ёшда бўлган болаларга то 6 ойга қадар фақат кўрак сuti, 6 ойдан кейин она сutiга кўшимча қилиб оқватлар берилла бошланади...

ВЕНГРИЯ БИНОКОРЛАРИ БАРПО ЭТМОҚДА. БУДАПЕШТ. Эгер шаҳрида электр ўсуналари заводига йойдевор қўйилди...

Г Д Р ДЕҲҚОНЛАРИ ВИСТАВКАСИ. БЕРЛИН. Маркдебергда Германия Демократик Республикаси кишлоқ хўжалиги виставкаси...

БАДИИЙ АСАРДА ПЕЙЗАЖ

Пейзаж тасвири қаҳрамон характери эркинроқ ифода бўлади, унинг ички дунёси ва кайфиятини очуви компонент сифатида муҳим ўрни эгаллайди...

Шаҳримизнинг бугунги жамоли.



СУРАТДА: республикадаги энг йирик савдо тармоғи — Марказий универсал магазиннинг кўрinishи.

ХИТОЙДАГИ ВОҚЕАЛАР

Хитойдаги «маданий революция»нинг ҳозирги босқичида Хитой Халқ Республикаси раиси Лю Шаоци катта танқид қилинган...

Мамлакатнинг бир қанча районларида биринчи ўриндаги пайти бошланди. Ҳосилдан қандай қилиб ўриб,ғибти олиш ва давлатнинг ҳа...

Бадий асардаги инсон «антропологик» эмас, иқтимоий инсондир. Портрет чизишдан мақсад нош ундай, кўзи бундай деб қошиққан борлигини билдириш эмас...



Ватанимиз пойтахти Москвада 17 июнда бадий ва ҳужжатли фото-расмлардан иборат юбилей виставаси очилди.

Хитойда пейзаж — вис эттирибган воқеани лирик ва драматик руҳ билан суратлаш, ўқувчини унга чуқурок қарашга мажбур этиб, кенгроқ маълумот берилади...

Хитойда пейзаж портрет чизишдан фарқлиқлиги шундаки, қаҳрамон ҳолатига табиат билан уйғунлашиб кетган майин бир лирик руҳ берганлиги ўз-ўзиндан кўриниб турибди...

Шоир Абадияти. мид Олимжон абадияти номли китоби ана шулар ҳақида ҳикоят қилинди...

